



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2020 yil « 24 » ИЮНЬ

№ 407

Toshkent sh.

### Хуқуқбузарликларнинг олдини олишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Сўнгги йилларда мамлакатимизда қонунийликни мустаҳкамлаш, хуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида самарали тизимни яратиш ҳамда суд-хуқуқ соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Хусусан, фуқаролик, иқтисодий ва жиноят процессида ишларни содалаштирилган тартибда кўриш амалиёти, шунингдек, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда мурожаат этиш ҳамда суд ишларини электрон шакллантириш механизмлари муваффақиятли жорий этилди.

Шу билан бирга, қонунчиликда маъмурий хуқуқбузарликка оид ишларни тезкор ҳал этиш учун ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш имконини берадиган хуқуқий механизм мавжуд эмас.

“Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширилаётган ислохотларнинг мантиқий изчиллигини таъминлаш, маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юритувини рақамлаштириш, жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш орқали мазкур ишларни кўриб чиқишда ортиқча сансалорликка йўл қўйилишининг олдини олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг қуйидагиларни назарда тутувчи **“Маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисида ягона электрон иш юритув” лойиҳасини** (кейинги ўринларда – лойиҳа) босқичма-босқич амалиётга жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни қўзғатиш, кўриб чиқиш ва баённома тузишга ваколатли органлар, судлар ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси, шунингдек, бошқа ташкилотларнинг электрон ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини интеграциялаштириш;

маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш юритишда фойдаланиладиган **процессуал ҳужжатларнинг ягона электрон базасини** шакллантириш;

маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларни юритишда **ортиқча босқичларни бекор қилиш ва муддатларни қисқартириш** орқали иш юритиш тартибини соддалаштириш;

автоматлаштирилган дактилоскопик таққослаш тизими, шахсни идентификация қилишнинг автоматлаштирилган тизими ҳамда Биометрик паспорт тизимини модернизация қилиш.

2. “Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида ягона электрон иш юритув” лойиҳасини амалиётга жорий қилиш бўйича **идоралараро комиссиянинг** (кейинги ўринларда – Идоралараро комиссия) таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Идоралараро комиссиянинг ишчи органи ҳамда лойиҳани амалга ошириш ва юритиш учун **масъул ваколатли орган** этиб белгилансин.

3. Идоралараро комиссия (П. Бобожонов) бир ой муддатда **“Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида ягона электрон иш юритув” лойиҳасини 2021 йил 1 январга қадар Тошкент шаҳри ҳудудида амалга ошириш бўйича иш режасини** ҳамда Идоралараро комиссия аъзолари ўртасида иш тақсимотини тасдиқласин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ лойиҳани Тошкент шаҳри ҳудудида амалга ошириш доирасида қуйидагиларни назарда тутувчи **маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишнинг соддалаштирилган тартиби** қўлланилади:

ваколатли мансабдор шахс ҳуқуқбузарликни аниқлаши билан биргаликда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни расмийлаштириш ва кўриб чиқиш учун махсус дастурий таъминот ўрнатилган мобиль қурилма (кейинги ўринларда – планшет) орқали **маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани тузади** ва ҳуқуқбузарга ахборот-телекоммуникация тармоғи орқали ушбу баённоманинг электрон ёки қоғоз шаклини тақдим этади;

баённомани тузувчи мансабдор шахс ҳуқуқбузарнинг биометрик ҳужжатларини планшет ёрдамида ёки юз тузилишини расмга олиб ёхуд бармоқ изларини тушириш орқали **реал вақт режимида** Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги базасидан унинг **шахсини аниқлайди**;

ҳуқуқбузар баённомада кўрсатилган маъмурий ҳуқуқбузарликни ўзи содир этганлигига эътироз билдирмаган тақдирда, у баённомани планшетдаги **махсус сканерловчи ускуна орқали бармоқ изларини тушириш йўли** ёки электрон график имзоси билан тасдиқлайди. Ҳуқуқбузар ўзининг жисмоний нуқсонни туфайли баённомани ўқиш ёки имзолаш имкониятига эга бўлмаса,

баённома унга ўқиб эшиттирилади ва ваколатли мансабдор шахс томонидан бу ҳақда баённомага **белги қўйилади**;

ҳуқуқбузарнинг тайинланган жарима суммасини ихтиёрий тарзда тўлаганлиги ҳақидаги маълумот лойиҳани Тошкент шаҳри ҳудудида амалга ошириш доирасида яратиладиган электрон базага баённома топширилган санадан эътиборан **ўн беш кун ичида келиб тушмаган тақдирда**, баённома автоматик тарзда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни умумий асосларда кўриб чиқиш учун **тегишли ваколатли органга ёки судга** жўнатилади;

ҳуқуқбузарга тайинланган жаримани **“Электрон ҳукумат”нинг ягона биллинг тизими орқали масофавий тўлаш имконияти** яратилади.

5. Белгилансинки, қуйидаги ҳолатларда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар **соддалаштирилган тартибда юритилмайди**:

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишнинг соддалаштирилган тартибда юритилишига **ҳуқуқбузар ёки жабрланувчининг эътирози** бўлганда;

содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун белгиланган санкцияда **жарима жазосидан бошқа турдаги маъмурий жазо қўлланилиши назарда тутилган бўлса**;

чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан **маъмурий тарзда чиқариб юбориш** билан боғлиқ бўлган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар кўриб чиқиляётганда;

иш бўйича моддий ва маънавий зарар кўрган тараф ёки унинг вакили **зарарни ундиришни талаб қилган ҳолларда**;

маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган бир неча шахслардан лоақал биттаси **ҳуқуқбузарлик содир этганлигини рад этганда**.

Бир йил давомида такроран содир этилиши оқибатида жиноий жавобгарлик келиб чиқиши назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар бўйича соддалаштирилган тартибда юритилаётган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишда шахснинг муқаддам маъмурий ҳуқуқбузарликка оид жавобгарликка тортилганлиги ҳақидаги маълумотни дарҳол олишнинг имкони бўлмаса, **иш юритиш тегишли маълумотлар олингунга қадар умумий тартибда** давом эттирилади.

6. Белгилаб қўйилсинки:

планшет ёрдамида баённомаларни расмийлаштириш ушбу қурилмалар билан таъминланган органлар (мансабдор шахслар) томонидан;

соддалаштирилган тартибда ишни ҳал қилиш эса барча ваколатли органлар (мансабдор шахслар) томонидан амалга оширилади.



7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2021 йил 1 январга қадар **автоматлаштирилган мультимиометрик идентификация қилиш тизими** учун 40 миллион нафар шахнинг анкета маълумотлари, ташқи юз қиёфаси ва қўл излари маълумотларини қайта ишлашга мўлжалланган дастурий таъминот ва сервер қурилмаларини ҳамда **“Паспорт-виза” автоматлаштирилган ахборот тизими мажмуаси** учун сервер қурилмаларини харид қилиш учун зарур ташкилий чора-тадбирларни амалга оширсин.

Лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган техник ускуналар, сервер, планшет, бошқа моддий-техника ашёлари ва дастурларни харид қилиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланиши белгилансин.

8. Идоралараро комиссия лойиҳани Тошкент шаҳрида амалга ошириш натижаларини инобатга олган ҳолда, **2021 йил 1 ноябрга қадар:**

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишнинг соддалаштирилган тартибини республиканинг бошқа ҳудудларида қўллаш;

лойиҳа доирасида иштирок этувчи бошқа вазирлик ва идораларни планшет ҳамда бошқа моддий-техника ашёлари билан таъминлашнинг молиявий манбаларини аниқлаш;

қонун ҳужжатларига ушбу қарор талабларидан келиб чиқидиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Миллий телерадиокомпанияси ва Миллий ахборот агентлиги ушбу қарор қоидаларини аҳоли орасида кенг ёритиш бўйича оммавий ахборот воситаларида материаллар эълон қилиниши ҳамда мавзуга оид кўрсатувлар ва эшиттиришлар берилишини таъминласинлар.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси – ИТ-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи О.М. Умаров ҳамда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил 24 июндаги 407 -сон қарорига  
илова

**“Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида ягона электрон иш юритув”  
лойиҳасини амалиётга жорий қилиш бўйича идоралараро комиссиянинг**

**ТАРКИБИ**

1. Бобожонов П.Р. - Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири,  
*Комиссия раиси*
2. Ёдгоров Х.Б.  
(*келишув асосида*) - Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг  
ўринбосари, *Комиссия раисининг ўринбосари*
3. Артикова С.Б.  
(*келишув асосида*) - Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг  
ўринбосари, *Комиссия раисининг ўринбосари*
4. лавозими бўйича  
(*келишув асосида*) - Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик  
хизмати раисининг ўринбосари
5. Туробов Б.Т.  
(*келишув асосида*) - Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси  
раисининг ўринбосари
6. Хусанов Н.Б. - Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат  
муносабатлари вазири
7. Садиков Ш.М. - Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари  
ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири
8. Қўлдошев А.Ҳ. - Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар  
вазирининг биринчи ўринбосари
9. Эргашев П.И. - Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири  
биринчи ўринбосари
10. Ганиев М.Ж. - Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси  
қўмондонининг ўринбосари
11. Мирзаев М.М. - Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси  
раисининг биринчи ўринбосари
12. Мелиев Х.Х. - Ўзбекистон Республикаси адлия вазири  
ўринбосари
13. Дехканов Д.Т. - Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири  
ўринбосари
14. Азимов М.Б. - Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона  
қўмитаси раиси

15. Исламов Б.Ф. - Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси раиси
16. Норқобилов Б.Т. - Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси
17. Гулямов Б.В. - Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси раиси
18. Абдуллаев А.Х. - Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раиси
19. Бегалов Б.А. - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси раиси
20. Абдуразаков Ш.Ш. - Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси
21. Саттаров Д.Н. - Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги директори
22. Бекенов С.Х. - Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директори
23. Холжигитов Ғ.А. - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги директори
24. Вахабов А.Д. - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси бошлиғи

*Изоҳ. Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга тайинланган ёхуд тегишли вазифалар бажарилиши юклатилган шахслар киритилади.*

